

№22
(1456)
2023 YIL
8-IYUN

O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА



Т.мelo'zbekistondasog'liqni saqlash

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA ♦ 1995 YIL OKTYABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

ЎЗБЕКISTОН — РОССИЯ ХАЛҚАРО СОГ'ЛИҚНИ САҚЛАШ ФОРУМИ

МУСТАҚКАМ ДЎСТЛИК, ҲУРМАТ ВА ЎЗАРО ИШОНЧНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Ўзбекистон – Россия халқаро соғлиқни сақлаш форуми доирасида 172 дан ортиқ муҳим меморандумлар имзоланди

Куни кеча тилларда дoston бўлиб келатган ўзининг кўп йиллик тарихига эга бўлган, қолаверса, дунё саёхатчиларининг эътиборига тушган кўҳна Самарқанд шаҳри соғлиқни сақлаш тизимида ўтказилган яна бир халқа-

ро форумга мезбонлик қилди. Жорий йилнинг 3-4 июнь кунлари "Silk Road Samarkand" мажмуасининг "Minuon" меҳмонхонасида Ўзбекистон – Россия халқаро соғлиқни сақлаш форуми бўлиб ўтди.



Фахр билан айтиш жоизки, Ўзбекистон тиббиёти кундан-кунга жаҳонҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Дарҳақиқат, мамлакатимиз тиббиётининг дунё узра ўз обрўсига эга бўлаётганлиги, албатта, қувонарли ҳолдир. Бундай эътирофларга муносиб бўлишни ўзи бўлаётгани йўқ. Бу каби нуфузли даражага етишишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тиббиётимизга бўлган одилона сиёсати муҳим аҳамият касб этмоқда. Шундай экан, юқоридаги фикрларимизнинг тасдиғи сифатида айтмоқчимизки, юртимиз тиббиёти ривожланган давлатлар тиббиёти билан ҳамқадам бўлиб келмоқда. Давлатимиз раҳбарининг тизим фаолиятига бўлган ҳамкорлик борасидаги қўллаб-қувватлашлари бугунга келиб янада кенг имконият эшикларини очмоқда...

Ўзбекистон – Россия – стратегик шерик, яқин ҳамкор. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил 8 май куни Россияга қилган амалий ташрифи чоғида Владимир Путин билан бир қанча соҳалар қаторида соғлиқни сақлаш йўналишида ҳамкорликда тадбирлар ўтказиш режалари ҳақида сўз юритилган эди.

Мазкур юқори даражадаги форумда Ўзбекистон Республикаси Соғ-

лиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов, Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазири Михаил Мурашко, шунингдек, дипломатик корпус вакиллари, ҳар икки мамлакатнинг етакчи тиббиёт олий ўқув юрталари ректор ва профессорлари, нуфузли тиббиёт клиникалари, илмий тадқиқот институтлари, ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, йирик фармацевтика ва тиббиёт компаниялари раҳбарларидан иборат 500 нафардан ортиқ соҳа мутахассислари иштирок этди.

Нуфузли анжуманни Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов кириш сўзи билан очар экан, аввало, юртимизга ташриф буюрган, Россиялик меҳмонларга ўз ҳурматини

Давоми 4 ва 5 - бетларда ▶

TIBBIYOT OLAMIDA

ҚАНДЛИ ДИАБЕТНИ ДАВОЛАШНИНГ ЯНГИ УСУЛИ ТОПИЛДИ



АҚШнинг Уайл Корнелл Медикал коллежи тадқиқотчилари қандли диабетдан халос бўлишнинг самарали усулини тоганини маълум қилди. Бунинг учун махсус оқсиллар ёрдамида ошқозон илдиз хужайраларидан инсулин ишлаб чиқаришга масъул GINS хужайралари ўстирилиб, тажриба сичқонлари меъдасига кўчириб ўтказилди. Маълум вақтдан сўнг бу тадқиқот ўз натижасини кўрсатди. Трансплантация қилинган хужайралар инсулин ишлаб чиқаришни мувофиқлаштиришга ижобий таъсир кўрсатиши тасдиқланди.

Мутахассислар фикрича, мазкур янгилик қандли диабетнинг 1-тури ва бошқа ошқозон ости бези касалликларини даволашда катта самара бериши мумкин.

ЮЗ-ЖАҒ ЖАРРОҲЛАРИ СЪЕЗДИДА КАТНАШИШДИ

Яқинда Самарқанд давлат тиббиёт университети профессор-ўқитувчилардан иборат делегация аъзолари Россия Федерациясининг Нижний Новгород шаҳрида Приволжск тадқиқот тиббиёт университети томонидан ташкил қилинган халқаро "Юз-жағ соҳаси реконструктив жарроҳлиги" II Бутунроссия юз-жағ жарроҳлари съездида катнашишди. Ташриф доирасида Приволжск тадқиқот тиббиёт университети ректори, профессор Николай Карякин билан учрашди. Учрашув давомида Николай Николаевич делегация аъзоларини институт тарихи, мутахассислик йўналишлари, ўқитиш тизими ва режалари билан таништирди. Илмий анжуманда Россия, Ўзбекистон, Беларусь, Қозоғистон ва Тожикистон давлатларидан келган 50 дан ортиқ юз-жағ соҳаси мутахассислари юз-жағ жарроҳлиги, пластик жарроҳлик, болалар стоматологияси, ортопедик стоматология, оториноларингология, соғлиқни сақлашни ташкил қилиш йўналишлари бўйича маърузалар билан иштирок этишди.

Бугунги сонда:



2

ҲАЛОЛЛИК ВА
ФИДОЙИЛИК ЗАРУР



7

КАК ЕСТЬ МОРОЖЕНОЕ
В ЖАРУ И НЕ ЗАБОЛЕТЬ?



8

ИССИҚДА БОЛАНИ ҚАНДАЙ
ОВҚАТЛАНТИРИШ КЕРАК?

ҚЎШМА ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

ҲАЛОЛЛИК ВА ФИДОЙИЛИК ЗАРУР

Жорий йилнинг 2 июнь куни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг навбатдаги Ҳайъат йиғилиши Навоий вилоятида бўлиб ўтди. Мазкур йиғилиш сайёр шаклда, онлайн ва оффлайн тарзда ўтказилди. Унда вазирлик марказий апарати ходимлари, ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва тиббиёт олий ўқув юртлари раҳбарлари, шунингдек, жойлардаги студиялардан барча ҳудудий бошқармалар ҳамда туман тиббиёт бирлашмалари масъуллари иштирок этди.



борилган текширув натижалари бўйича далилларга асосланган маълумотларни таҳлил қилиб, эришилган ютуқлар каторида ўз ечимини кутаётган муаммоларга ҳам атрофлича тўхталди. Пойтахтимиздан борган ишчи гуруҳ масъулларига зарурий топшириқ ва вазифаларни белгилаб берди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги қўшма Ҳайъат йиғилишида Навоий вилоятида аҳоли саломатлигини асраш, тиббиёт тизимини бугунги кун талаблари даражасида ривожлантириш ва соҳа муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлашдаги салмоқли ҳиссасини қўшганли-

гини учун Навоий вилояти ҳокими Нормат Турсунов ҳамда Навоий кон-металлургия комбинати бош директори, сенатор Қувондик Саноқулов "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочили" кўкрак нишони билан тақдирланди. Шунингдек, вилоят соғлиқни сақлаш тиббиёт муассасаларида кўп йиллар давомида фидойилик билан меҳнат қилган бир гуруҳ тиббиёт ходимларига вазирлигининг ташаккурномалари топширилди. Ушбу муносиб рағбатларни Соғлиқни сақлаш вазирлиги Амрилло Иноятوف топширди.

Мазкур қўшма Ҳайъат йиғилишини Навоий вилояти ҳокими Нормат Турсунов кириш сўзи билан очиб, вилоят соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган фаолиятлар ва ечимини кутаётган масалаларга тўхталди. Шунингдек, вилоят ҳокими, вилоят ҳокимлиги билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигидаги қўшма Ҳайъат йиғилишининг "Йўл харитаси" белгилаб олинганлигини таъкидлади. Шу ўринда вилоят ҳокими Юрбошимизнинг тиббиёт соҳасига, айниқса, бирламчи тизимга бўлган эътиборлари юқори эканлигини алоҳида тилга олди. Ва вилоят соғлиқни сақлаш тизимида самарали фаолиятлар йўлга қўйилганлигини ва бу борада ҳудудлар кесимида босқичма-босқич юқори технологик амалиётлар муваффақиятли олиб борилаётганлигига урғу қаратди. Шундан сўнг Соғлиқни сақлаш вазирлиги Амрилло Иноятوف Навоий вилоятида тиббиёт соҳасини трансформация қилиш масала-

ларига эътибор қаратиб қуйидагиларни гапириб ўтди. Кейинги йилларда бевосита Президентимиз саъй-ҳаракати билан малакали тиббий хизмат халққа янада яқинлашмоқда. Барча аҳоли қатламнинг бундай имкониятдан тўлиқ баҳраманд бўлиши чоралари кўриляпти. Хусусан, шу йил апрель ойида 2 минг нафар туғма юрак нуқсонли бор бола ва 1600 нафар имтиёзли тоифага кирмаган, лекин моддий имконияти чекланган беморда юқори технологик операциялар ўтказиш мақсадида давлатимиз томонидан 90 миллион сўм маблағ ажратилди. Натижада биргина Навоий вилоятида 145 нафар юрак туғма нуқсонли бўлган ўғил-қиз ҳамда 74 нафар эҳтиёжманд беморлар 1,6 миллион сўм йўналтирилган мураккаб операциялар орқали саломатлигини тиклайдиган бўлди. Ҳозиргача 54 нафар катталар ва 25 нафар болада юқори технологик операциялар муваффақиятли бажарилди. Май ойи бошида вазирлиқнинг махсус

ишчи гуруҳининг ўрганишлари натижасида бир қатор масалалар жойида ҳал этилди. Масалан, 2022 йил октябрь ойида Навоий шаҳридаги "Ёшлик" ўйингоҳида ташкил этилган COVID марказидан Навоий вилоят перинатал марказига кўчирилган кислород станцияси 6 ой давомида маълум сабабларга қўра ишламаган ва оқибатда шу кунгача тиббий эҳтиёж учун зарур кислород сотиб олинган. Носоз станция қайта ишга туширилгач, йилига 10 800 та кислород баллонига 594 миллион сўм маблағ сарфланишининг олди олинди ва бу пуллар дори-дармон сотиб олишга йўналтириладиган бўлди. Шунингдек, Хатирчи туманида гемодиализ маркази филиалининг очилиши натижасида 16 нафар беморнинг ўзи яшаб турган ҳудудда муолажа олиши учун имконият яратилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Амрилло Иноятوف ўз фикрларини давом эттирар экан, вазирлиқнинг ишчи гуруҳи томонидан олиб

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Амрилло Иноятوف хизмат сафари давомида вилоят тиббиёт муассасаларида янги бунёд этилган, шифо масканларининг очилиш маросимида иштирок этди.

Навоий вилоят ҳокими Нормат Турсунов ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги Амрилло Иноятوف Хатирчи туманида бунёд этилган гемодиализ маркази филиалининг очилишида иштирок этиб, бу ерда беморлар учун яратилган шароитларни кўздан кечирди. Таъкидлаш лозимки, айни пайтда вилоятда 98 нафар гемодиализга муҳтож беморлар бўлиб, бугунгача уларга 3 та - Навоий, Зарафшон шаҳарлари ва Қизилтепа туманидаги марказларда тиббий хизмат кўрсатилган. Шароит йўқлиги боис, Хатирчи туманидаги 16 нафар бемор 80 км. йўл босиб, муолажаларни Навоий шаҳрида олишига тўғри келган. Эндиликда бунга ҳолат қолмади. Туманда янги гемодиализ маркази филиалининг фойдаланишга топширилиши ҳудудда яшовчи беморларнинг узоғини яқин қилиб, турли оворгарчиликларга чек қўйди. Бунинг учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ушбу марказ 1,2 миллиард сўм қийматидаги 3 та гемодиализ аппарати, сув тозалаш ускунаси ва миксер билан жиҳозланди. Шунингдек, туман ҳокимлиги томонидан филиал биносини таъмирлаш учун 500 миллион сўм миқдорда маблағ ажратилди. Маълумот ўрнида айтиш лозимки, 2018 йилгача



вилоятда диализ фильтрлари 4-5 марта ишлатилиб, сеанслар 1,5-2 соат давом этган. Баъзан эса навбатлар тунги пайтларга ҳам тўғри келган. Бугунга келиб, ҳудудда тасдиқланган стандарт асосида беморларнинг тўлиқ 4 соат давомида муолажа олишига имкон яратилди. Қолаверса, гемодиализга муҳтож аҳоли 7 турдаги дори воситалари - В гуруҳ (В1, В6, В12) ва С витаминлари, темир, эритропоэтин препаратлари, оксил моддалари ҳамда аминокислоталар, билан бепул таъминланмоқда.

Қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари - дунё тиббиётининг энг долзарб муаммоларидан бири. Афсуски, бу хасталиқлар юртдошларимиз ўртасида ҳам ногиронлик сабаблари бўйича энг юқори ўринни эгаллайди. Шуни инобатга олган ҳолда, Президентимизнинг 2020 йил 2 июлдаги тегишли қарорига қўра, мамлакатимизда

Жаҳон банки билан ҳамкорлик дастури доирасида ҳудудий тиббиёт бирлашмалари таркибида туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказларини босқичма-босқич ташкил этиш бошланган эди. Соғлиқни сақлаш ва-

сўм ва маҳаллий бюджетдан 700 миллион сўм ажратилган. Вазир Амрилло Иноятوف муассаса қурилиши билан танишар экан, бино ишга тушгач, вазирлик томонидан 1 миллион АҚШ доллари қийматидаги кўп кесимли компьютерли томограф, рақамли

стационар ва портатив рентген, стационар ҳамда портатив ультратовуш аппаратлари каби 34 турдаги юқори технологик тиббий ускуналар етказиб берилишини маълум қилди. Шунингдек,

зири Амрилло Иноятوف Навоийга хизмат сафари давомида вилоят ҳокими Нормат Турсунов ҳамроҳлигида Хатирчи туманида барпо этилаётган ана шундай муассасанинг қурилиш-таъмирлаш ишлари билан танишди. Мазкур марказни бунёд этишга "Open budget" дастуридан 1,2 миллиард

худди шундай марказ Қизилтепа туманида ҳам ташкил этилиб, вазирлик томонидан тўлиқ жиҳозланиши таъкидланди. Худди шу кун Республика шошилини тиббий ёрдам илмий маркази Навоий филиалининг янги корпусининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Таъкидлаш муҳимки, тўрт қаватли, 200 беморга мўлжалланган мазкур бинодан қабул-диагностика, реанимация, шошилини жарроҳлик бўлимлари, етти та операция блоги ва 30 та реанимация ўрни ҳамда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган амалиёт хоналари ўрин олган. Шунингдек, Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази Навоий филиалининг ҳам янги биноси фойдаланишга топширилди. Мазкур очилиш маросимларида Соғлиқни сақлаш вазирлиги Амрилло Иноятوف ва Навоий вилояти ҳокими Нормат Турсуновлар иштирок этишди.

Ибодат СОАТОВА,
журналист.

ИМКОНИАТ

Юртимиз ҳудудларида 46 та туманлараро перинатал марказ ташкил этилиши белги-ланган. Президентимизнинг тегишли қарори асосида шакллантирилган ушбу марказлар рўйхатига Тошкент тумани туғуруқ комплекси ҳам киритилган эди.

ТОШКЕНТ ТУМАНИДА ТУМАНЛАРАРО ПЕРИНАТАЛ МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

1 июнь — Халқаро болаларни химоя қилиш куни муносабати билан ўтказилган тантанали очилиш маросимида Тошкент вилояти ҳоқими Зоир Мирзаев ва Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов иштирок этди.

Шу пайтгача Тошкент вилоятининг Бекобод, Янгийўл, Олмалиқ шаҳарлари ва Қуйи Чирчиқ туманида туманлараро перинатал марказлар ташкил этилган эди. Бунга қадар 110 ўринли Тошкент тумани туғуруқ комплексида йилига 5,5 мингга яқин туғуруқ қайд этилиб, фақатгина шу ҳудуд аҳолисига хизмат кўрсатган. Шифохона асосан асоратсиз туғуруқларни қабул қилишга мўлжалланган бўлиб, асоратли ва кам вазн билан туғилган чақалоқлар республика муассасаларига ва Чирчиқ шаҳрида жойлашган вилоят перинатал марказига 50-70 км. масофа босиб олиб борилар эди. Албатта, туғуруқ мажмуасини перинатал марказга айлантириш осон эмас. Бунинг учун қатор техник ва малакавий тала-



блар мавжуд. Муассасани замонавий стандартларга мос ҳолга келтириш учун 18,2 млрд. сўм инвестиция дастури доирасида маблағ сарфланди.

Марказ замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланди. Бунинг учун 2,1 млрд. сўм маблағ ажратилди. Туғуруқдан кейинги хоналар замонавий ҳолатга келтирилиб, ҳар бирига алоҳида санузел ўрнатилди. Муассасада қўшимча 10 ўринли “Чақалоқлар патологияси” ва 6 ўринли “Чақалоқлар реанимацияси” бўлимлари ташкил этилди. Бу эса оғир аҳволда

ва кам вазнли туғилган чақалоқларга ўз вақтида ва самарали тиббий хизмат кўрсатиш имконини яратади. Бундан ташқари, марказнинг 35 нафар шифокори республика муассасаларида алоҳида ташкил этилган ўқув курсларида тиббий малакаларини ошириб қайтди.

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК

БЕҒУБОР ҚАЛБЛАРГА ШОДЛИК УЛАШИБ...

Болалар – ҳаёт давомчилари, келажак эгалари. Бинобарин, уларни асраб-авайлаш, соғлом вояга етказиш ҳар бир давлат олдидаги юксак масъулиятдир.



Қувонарлиси, юртимизда ёш авлод айнан ана шундай меҳр-эътибор ва ғамхўрлик оғушида улғаймоқда. Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов Халқаро болаларни химоя қилиш куни муносабати билан пойтахтимиздаги Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси илмий-амалий марказида бўлиб, бу ерда даволанаётган жажжи беморлар ҳолидан хабар олди. Вазир болажонлар ва уларнинг ота-оналарини байрам билан қутлар экан, юртимиздаги ҳеч бир ўғил-қиз эътибор ва ғамхўрликдан четда қолмаслигини таъкидлаб, уларга тезроқ соғайиб кетишлари ва ўз оилалари бағрига қайтишларини тилади. Шундан сўнг болажонларга байрам совғалари ва давлат томонидан ажратилган зарур дори воситалари топширилди. Маълумот ўрнида Президентимизнинг

2021 йил 27 майдаги тегишли қарорига мувофиқ юртимизда болалар гематологияси ва онкологияси соҳаси катталар шифохонасидан ажратилиб, алоҳида марказга айлантирилди. Муассасанинг янги биносида шифо ўринлари сони 180 тага етказилди. Айни пайтда марказда бемор болажонлар ва уларнинг ота-оналари учун алоҳида шарт-шароитлар яратилган.

Қолаверса, бу ерда госпитал турдаги “Меҳрли мактаб” ташкил этилган бўлиб, унда умумий ўрта таълим билан бир қаторда мактабгача таълим дастури бўйича ҳам билим берилди. Мактабда бир йилда 1000 нафаргача бола даволаниш билан бир вақтда таълим олиши ва қизиқарли машғулотларда қатнашиши мумкин.

ЯНГИ АКЦИЯ

Президентимиз ташаббуси билан жорий йил юртимиз бўйлаб туғма юрак нуқсонидан азият чекаётган 2 минг нафар бемор болада бепул юқори технологик операциялар ўтказилмоқда.

Бунинг учун давлатимиз томонидан 64 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилиб, ижтимоий химояга муҳтож оилаларнинг 18 ёшгача бўлган фарзандларида навбатсиз, имтиёзли йўлланмасиз, энг малакали шифокорлар томонидан жарроҳлик амалиётлари бажариляпти.

Мазкур эзгу ташаббуснинг давоми сифатида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан мамлакатимизда илк бор “Диспансер назоратида турган ҳамда ногиронлиги бўлган болалар саломатлиги ойлиги” бошланди.

Шу йил 7 июндан 7 июлга қадар бўлиб ўтайдиган мазкур акция давомида сурункали ва оғир хасталикларга чалиниб, тиббий ёрдамга муҳтож бўлган бемор ўғил-қизлар чуқурлаштирилган тиббий кўриклардан ўтказилди.

– Дастлаб Қорақалпоғистон

бригадалар томонидан чуқурлаштирилган текширувлар ўтказилади.

Хусусан:

– кўп тармоқли марказий поликлиникалар мутахассислари жалб қилинган ҳолда оилавий поликлиника ва оилавий шифо-

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ ОЙЛИГИ БОШЛАНДИ

Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлардаги оилавий поликлиникалар ва оилавий шифокор пунктларининг патронаж ва амалиёт ҳамширалари томонидан ўз участкасидаги диспансер назоратида турган ҳамда ногиронлиги бўлган болалар базаси шакллантирилади, – дейди Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Элмира Баситханова. – Шундан сўнг махсус тиббий

кор пунктларида тиббий кўриклар ташкил этилади;

– хонадонларда тиббий-диагностика муолажалари амалга оширилади;

– зарурат бўлганда КТМПда текширувлар ўтказилади.

Шунингдек, тиббий кўрикларга Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Болалар



миллий тиббиёт маркази ҳамда ҳудудий кўп тармоқли болалар тиббиёт марказларининг энг малакали мутахассислари жалб этилади.

Текширувларда аниқланган касалликлар бўйича ҳар бир бола саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлаш чоралари кўрилиб, улар учун алоҳида соғломлаштириш режаси тузилади.

Унга қўра:

бемор болаларнинг бир гуруҳи уй шароитида;

бирламчи бўғиндаги кундуз-

ги шифохоналарда амбулатор ҳолатда;

стационар ёрдамга муҳтож беморлар туман, шаҳар ҳамда вилоят миқёсидаги тиббиёт муассасаларида даволанади.

Бундан ташқари, юқори технологик тиббий ёрдамга эҳтиёжи бор болаларга вилоят ва республика муассасаларига имтиёзли йўлланмалар тақдим этилади.

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ ХАЛҚАРО СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ФОРУМИ

МУСТАҲКАМ ДЎСТЛИК, ҲУРМАТ ВА

Ўзбекистон — Россия халқаро соғлиқни сақлаш форуми



← Давоми. Боши 1-бетда

изҳор этиб, кўп йиллардан буён икки давлат ўртасидаги мустаҳкам дўстлик, тиббиёт тизимидаги ўзаро ҳамкорлик борасидаги фаолиятларга эътибор қаратиб, форум иштирокчиларини самимий қутлади. Вазир ўз фикрларини давом эттириб, Ўзбекистон–Россия стратегик шерик ва яқин ҳамкор эканлигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил 8 май куни Россияга қилган амалий ташрифи чоғида Владимир Путин билан бир қанча соҳалар қаторида соғлиқни сақлаш йўналишида ҳамкорликда тадбирлар ўтказиш



режалари ҳақида сўз юритилганлигига ҳамда Россия Президенти Тошкент шаҳрида ўтган “Иннопром” халқаро саноат кўргазмасининг самарали натижаларини юқори баҳолаб, томонлар Ўзбекистон ва Россия ҳудудлари даражасидаги фаол мулоқотларни кўллаб-қувватлаганлигига атрофлича тўхтади.

Сўнгра Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазири Михаил Мурашко сўзга чиқиб, у ўз сўзида мамлакатларимизни мустаҳкам алоқалар ва яқин ҳамкорлик муносабатлари боғлаб туришини алоҳида қайд этди. Шунингдек, сўнгги йилларда тиббиёт соҳасида дуч келган хавф-хатарларга қарши курашишдан қилинган хулосалардан келиб чиқиб, 6 та устувор йўналиш: таълим ва кадрлар салоҳиятини ошириш, илм-фан ва технологиялар, дори воситалари ва тиббий асбоб-ускуналар, рақамли трансформация, халқаро юқори технологик ёрдам, соғлиқни сақлашни ташкил этиш бўйича ҳамкорлик қилиш муҳим эканини айтиб ўтди.

Шу ўринда таъкидлаш муҳимки давлат ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган муносабатлар бугун юқори даражада. Албатта, тиббиёт йўналишидаги ҳамкорлик қатор соҳаларда жадал

ривожланмоқда. Бўлиб ўтган юқори даражадаги ушбу анжумандаги мақсадлар муштараклиги ҳамкорликнинг янги босқичи сифатида тарих зарварақларида муҳрланиб қолиши табиийдир. Унда мамлакатлараро тиббий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича қатор муҳим масалалар муҳокама этилди. Эътирофлиси шундаки, коронавирус пандемияси даврида Россия Ўзбекистонга коронавирус диагностикаси учун тест-тизимларни бегараз асосда тақдим этган биринчи давлат бўлди. Шунингдек, коронавирусга қарши курашиш мақсадида Россия томонидан мамлакатимизга 4 та экспресс-диагностика кўчма микробиологик лабораториялар ҳам юборилди. Ўз навбатида, Ўзбекистон инсонпарварлик ёрдами сифатида Россияга миллионлаб донна шахсий химоя воситалари етказиб берди. Россиялик ҳамкорлар кўмағида Ўзбекистонда “Спутник V” вакцинасини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, икки давлат ўртасида тиббий таълимни ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, бугунги кунда юртимиздаги тиббиёт олий ўқув муассасаларида Россиянинг 24 та тиббиёт университети билан ҳамкорлик-

да кўшма таълим дастурлари асосида 12 та бакалаврият, 10 та магистратура ва 11 та клиник ординатура йўналиши бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Бунинг баробарида Россия Федерациясининг тиббиёт олий таълим муассасаларида кўшма таълим дастурлари асосида бакалаврият йўналишида 3200 нафарга яқин, магистратура йўналишида — 170 нафар, клиник ординатурада эса 250 нафар ўзбекистонлик талаба тахсил олмақда. Тошкент шаҳрида Н. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университетининг ва Жиззах шаҳрида Қозон федерал университети филиаллари ташкил этилди. Ўтган йили В. Кулаков номидаги Акушерлик ва гинекология, перинатология миллий илмий-тадқиқот маркази мутахассислари томонидан мамлакатимиз перинатал хизматининг 180 нафар шифокори учун ўқув семинарлари ва маҳорат дарслари ўтказилди. Д. Рогачев номидаги болалар гематологияси, онкологияси ва иммунологияси миллий тиббиёт илмий марказида 24 нафар ва Н. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университетида 65 нафар шифокорлар клиник ординатурада тахсил олишмоқда. Санкт-Петербург врачлар малака-

сини ошириш институтида Ўзбекистон шифокорларини 28 та мутахассислик бўйича ординатура, аспирантура ва малака ошириш курсларида ўқитиш учун бюджет жойлари ажратилган. Тиббиёт олий таълим муассасалари билан бир қаторда Россиянинг тиббиёт клиникалари ва ассоциациялари ва Ўзбекистоннинг республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида 150 та келишув ва шартномалар тузилган. Шериклик алоқаларимиз фармацевтика тармоғида ҳам жадал ривожланмоқда. Жумладан, ўтган йилнинг апрель ойида Тошкентда ўтказилган “Иннопром: Марказий Осиё-2022” халқаро

кўргазмаси доирасида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Zuma Pharma” МЧЖ ва Россиянинг “Герофарм” корхонаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланган эди. Бундан ташқари, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ва Россиянинг “Фармасинтез” компанияси ўртасида эришилган келишувга кўра, Ўзбекистонда ўсмага қарши дори воситаларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхона барпо этилмоқда. Анжуманда Ўзбекистонда тиббий таълимни ривожлантириш, мамлакатимиз тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ҳамда икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга кўшган ҳиссаси учун Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазири М. Мурашко, Санкт-Петербург давлат педиатрия тиббиёт университети ректори Д. Иванов, Н. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети ректори С. Лукьянов, Россия узлуксиз касбий таълим тиббиёт академияси ректори Д. Сычев, тиббиёт фанлари доктори, профессор Елена Мальшева ҳамда Россиянинг бошқа қатор тиббиёт олий таълим муассасалари, илмий тадқиқот институтлари ва ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари раҳбарларига “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси” кўкрак нишони топширилди.

Шунингдек, бир гуруҳ россиялик мутахассисларга ташаккурномалар ва Ўзбекистон ОТМларининг фахрий профессори унвонлари берилди. Ушбу муносиб рағбатларни Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов топширди.

Ниҳоятда кўтаринки кайфият ҳамда юқори савияда ўтган халқаро анжуман иштирокчилари билан суҳбатда бўлар эканмиз, уларнинг самимий фикрларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ ХАЛҚАРО СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ФОРУМИ

ЎЗАРО ИШОНЧНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

доирасида 172 дан ортиқ муҳим меморандумлар имзоланди

Дмитрий СЫЧЕВ, Россия узлуксиз касбий таълим тиббиёт академияси ректори:

—Аввало, инсонларнинг қалби эзгуликка йўғрилган, самимий ва меҳмондўст мамлакат, серкўёш Ўзбекистонга ташриф буюрганимдан гоят мамнун бўлдим. Биз мамлакатингизнинг тиббиёт аҳли билан кеча ёки бугун ҳамдўстлик алоқаларини олиб бораётганимиз йўқ. Кўп йиллардан буён мустақам дўстлик, ҳурмат ва касб-фаолиятимиз ҳамда бир-биримизга бўлган ишончимиз янада раванк топиб бормоқда. Айниқса, бўлиб ўтаётган Ўзбекистон–Россия халқаро соғлиқни сақлаш форуми Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан бизларни яна бир



эканлигидан мамнунмиз. Биргина жорий йилнинг шу кунига қадар мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида энг юқори даражадаги халқаро форумлар бўлиб ўтди. Жумладан, Ҳиндистон, Германия ва Россия давлатларининг халқаро соғлиқни сақлаш форумига Ўзбекистонимиз мезбонлик қилди. Албатта, бу юртимиз аҳли, қолаверса, соҳа мутахассислари учун ниҳоятда салоҳиятли кечди. Мазкур форумларда бошқармаимизга қарашли бўлган, тиббиёт муассасаларимизнинг раҳбар ва ходимлари, изланувчан ёш кадрлар ҳамда тажрибали мутахассисларимиз иштирок этишиб, секция йиғилишларида ўз маърузалари билан қатнашишди.

риш бўйича қўшма лойиҳалар, кадрларни тайёрлаш, қайта ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш дастурларини амалга ошириш, биргаликда илмий-амалий анжуманлар, маҳорат дарсларини ўтказиш, илмий тадқиқотларни олиб бориш, нейрохирургия, педиатрия, хирургия, кардиология, онкология йўналишларида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш масалалари атрофида муҳокама қилинди. Кўннинг иккинчи ярмида соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинини модернизация қилиш ва инвестиция киритиш, тиббий таълимни трансформация қилиш ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш, соҳани рақам-

—Нуфузли даражадаги халқаро Форум доирасида бизнинг тиббиёт марказимиз ҳам Россия Федерацияси Сибирь федерал округининг Иркутск давлат болалар клиник шифохонаси бош шифокори, Россия илимлар Академияси аъзоси, бош болалар жарроҳи, Россия Федерациясида хизмат кўрсатган врач, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Кам инвазив болалар жарроҳлиги йўналиши бўйича мутахассис Юрий Андреевич Козлов билан меморандум имзоладик. Бу албатта, болажонларимиз саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Саида МИРЗАРАХИМОВА, Тош-

салоҳиятли майдонда учраштириб, маҳорат, тажриба ва амалий фаолиятларимизнинг уйғунлигини янада бирлаштириди десам, хато бўлмайди. Зеро, бундай ўзаро ҳамкорликларга йўл очиб бераётган Давлатингиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга ўз миннатдорлигимни изҳор этаман. Ушбу халқаро форумнинг тарихий меросларга бой бўлган кўҳна Самарқанд шаҳрида ўтказилаётганлиги халқаро анжуманга ўзгача файз бағишлади. “Silk Road Samarkand” мажмуасига ташриф буюрар эканмиз, осмон ўпар биноларнинг қад кўтарганлиги, табиат манзарасининг гўзаллиги барчамизни ўзига мафтун этди. Форум ҳам жуда яхши ташкиллаштирилган. Икки давлат Соғлиқни сақлаш вазирларининг самимий табрик ва фаолиятлар борасидаги фикрлари ҳам иштирокчилар диққат эътиборида бўлди. Мен қутилмаган бир ажойиб рағбатнинг муносиб эгаси бўлганлигимдан фахрланиб кетдим. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир Амрилло Иноятов томонида катта саҳнада “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочилиси” кўкрак нишонини тақдим этилганлиги мени ниҳоятда руҳлантириб юборди. Ҳамкорликдаги фаолиятларимизни қўллаб-қувватлаб, эътирофга лойиқ кўрган раҳбарият ва барча ташкилотчиларга чексиз ташаккуримни билдираман. Халқаро форум кенг доирада ўтказилиб, секция йиғилишларида танлаб олинган мавзулар замонавий ёндашувлар асосида олиб борилди. Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ўзаро тажриба алмашув билан бирга икки томонлама меморандумлар имзоланган муваффақ бўлди. Умид қиламанки, бундай нуфузли халқаро анжуманлар янада бардавом бўлаверади.

Анвар АЛИМОВ, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи, профессор:

—Бир сўз билан айтганда юртимиз тиббиёти дунёхамжамияти нигоҳида



Куни кеча бўлиб ўтган, Ўзбекистон ва Россия халқаро соғлиқни сақлаш форуми ниҳоятда кўтаринки кайфиятда бўлди. Айниқса, Россиялик ҳамкасбларимиз билан суҳбатлашдик, меморандумлар имзоладик, шунингдек, секция йиғилишларида ўзаро фикрлар алмашдик. Албатта, бу каби нуфузли анжуманлар ҳамдўстлик ришталарини мустақамлаш билан бирга тиббиётдаги тажриба алмашувларимиз учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилишига ишончим комил. 2023 йилнинг якунигача бундай юқори даражадаги халқаро форумларимиз давом этади.

Ботир ДАМИНОВ, Тошкент педиатрия тиббиёт институт ректори, профессор:

—Бундай юқори даражадаги халқаро соғлиқни сақлаш форумларининг мамлакатимизда ўтказилаётганлиги, бу албатта, тизим фаолиятида замонавий ёндашувларнинг такомиллашувида муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, Ўзбекистон–Россия халқаро соғлиқни сақлаш форуми ниҳоятда мазмун ва моҳиятга бой бўлди десам, хато бўлмайди. Шу ўринда таъкидлаб ўтмоқчиманки, икки давлат ўртасидаги тиббий ҳамкорлигимиз соҳанинг барча йўналишларини қамраб олган. Анжуманда тиббиёт соҳасини рақамлашти-

лаштириш ва тизимга янги технологияларни жорий этиш каби масалаларга бағишланган секция йиғилишлари ўтказилди. Форум доирасида қўшма таълим дастурларини ишлаб чиқиш, Ўзбекистонда Россия тиббиёт таълим муассасалари филиалларини ташкил этиш, соғлиқни сақлаш соҳасига инвестицияларни жалб қилиш, шерикликнинг янги шаклларини жорий этиш бўйича 172 та меморандум ва қатор келишувлар имзоланди. Шунингдек, томонлар ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш ва ривожлантириш бўйича резолюция қабул қилдилар.

Алима МАТКАРИМОВА, Қорақалпоғистон Республикаси болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори:

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мамлакатимизда бу каби нуфузли даражада ўтказилаётган соғлиқни сақлаш тизимидаги халқаро форумлар ўз мақсад ва вазифаларига эга бўлиб, унинг замирида аввало, инсонлар саломатлигини сақлаш ва муҳофаза қилиш мужассам эканлигини кўраимиз. Шундай экан, ушбу мақсадларга эришиш учун тиббиётга замонавий янги ёндашувларни жорий этиш давр талабига айланмоқда.

Ибодат СОАТОВА,
журналист.

кент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори:

— Ушбу халқаро Форум доирасида бизнинг тиббиёт марказимиз ҳам Россия Федерацияси Сибирь федерал округининг Иркутск давлат болалар клиник шифохонаси бош шифокори, Россия илимлар Академияси аъзоси, бош болалар жарроҳи, Россия Федерациясига хизмат кўрсатган врач, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Кам инвазив болалар жарроҳлиги йўналиши бўйича мутахассис Юрий Андреевич Козлов билан меморандум имзоладик. Албатта, бундай эзгулик йўлидаги икки томонлама келишув болажонларимиз саломатлигини муҳофаза қилиш билан бирга мутахассисларимиз ҳам ўзаро тажриба алмашадилар.

СУД ФАОЛИЯТИДАН

Бошқа ҳар қандай иллат каби, ОИТС ҳам эътиборсизликдан келиб чиқади ва бугунги кунда бутун дунё аҳлини ташвишга солмоқда. Бу иллат, инсоннинг ақли, насли, диний эътиқоди, оиласи, қолаверса, жамиятга ҳам катта зарар етказиб келаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Унинг таъсири нафақат, соғлиқни сақлаш тизими, фуқароларнинг саломатлиги, шунингдек, мамлакатнинг иқтисодий ва миллий хавфсизлигига ҳам жиддий хавф туғдирмоқда.

Маълумки, бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам ушбу касалликка қарши курашишни кучайтириш борасида бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, ОИВ инфекциясини профилактика қилиш, унга ташхис қўйиш ва даволаш сифатини янада ошириш, аҳоли орасида ОИВ инфекциясини аниқлаш бўйича текширувлар қамровини ошириш, беморларга сифатли тиббий ва рухий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, уларни зарур дори воситалари билан тўлиқ таъминлаш ҳамда ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида 2013 йил 23 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Одамнинг иммунитет танқислиги вирус келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, 2008 йил 26 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил 25 январда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вирус келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва ушбу қарор билан тасдиқланган “2018 йилда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш” давлат дастури, 2018 йил 22 июнда қабул қилинган “Одамнинг иммунитет



танқислиги вирус келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш ва шифохона ички инфекцияларини профилактика қилиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва ушбу қарор билан тасдиқланган “ОИВ – инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва шифохона ички инфекцияларини профилактика қилиш юзасидан амалга оширилаётган тадбирларнинг самарадорлигини ошириш бўйича комплекс кўшимча чора-тадбирлар”, 2022 йил 21 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вирус инфекцияси тарқалишига қарши кураш бўйича ёшлар фаоллигида олиб бориладиган тизимли тарғибот тадбирлари концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарор ва ушбу қарор билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси

да одамнинг иммунитет танқислиги вирус инфекцияси тарқалишига қарши кураш бўйича ёшлар фаоллигида олиб бориладиган тизимли тарғибот тадбирлари” концепцияси ҳамда 2023 йил 20 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган “Одамнинг иммунитет танқислиги вирус келтириб чиқарадиган касалликка қарши курашиш тизимини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва ушбу қарор билан тасдиқланган “Аҳоли орасида ОИВ инфекция-

си тарқалишига қарши курашиш самарадорлигини оширишга доир 2023-2027 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури”лари шулар жумласидандир. Шунингдек, ОИВ инфекциясини республикамизда тарқалишининг олдини олиш мақсадида ЮНИСЕФ, ЮНФПА каби халқаро ташкилотлар билан мунтазам равишда турли лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда. Бироқ, носоғлом ва энгил ҳаёт тарзини танлаш оқибатида ушбу касалликни юктириб олиш, ўз навбатида эса бошқа шахсларга ҳам юктириш ҳолатлари учраётганлиги барчани бирдек ташвишга солмоқда. Муқаддас урф-одатларимиз ҳам барча ёмонликлардан сақланиш, жамият манфаати йўлида яхши амалларни бажариш, жамият ва оиласига наф келтириш, Ватани ҳимоя қилиш, жисми соғлом бўлиш, бунинг баробарида ўзига юклатилган вазифаларни мукамал адо этиш ҳамда покза ҳаёт

кечиришга даъват қилиб, бунга инсон зоти масъул эканлиги кўрсатилган.

Афсус ва надоматлар билан айтмоқчимизки, ушбу касалликни қанчалик жирканч эканлигини била туриб, ўз ва ўзгалар ҳаётини барбод қилаётган шахсларнинг борлиги нафратимизни келтиради. Кунга кеча бўлиб ўтган суд жараёнида қора курсида ўтириб, ўз ҳаётини поймол қилган ёшгина навқирон йигит қилган ишларидан пушаймон эканлигини тан олди. Лекин, энди кеч бўлган эди. Мазкур жиноят иши ёпиқ суд мажлисида кўрилганлиги сабабли воқеалар ривожини ва қаҳрамонлар исм-фамилияларига ўзгартириш киритиш лозим деб топдик. Т. Олимов 25 ёшида ишлаш учун Россия Федерациясига бориб, оилали эканлигини унутиб, палла-партиш жинсий алоқа қилиши, яъни зинога яқинлашганлиги оқибатида ушбу инфекцияни юктириб олади. Ортга қайтган Т. Олимов тиббий кўриқдан ўтгач, ҳақиқатдан ҳам унда ушбу касаллик борлиги аниқланди ва турмуш ўртоғи ҳамда оила аъзоларига бу ҳақида маълум қилинди. Шунингдек, касалланган шахс ушбу касалликни бошқа шахсларга юктирган тақдирда жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилди. Бироқ, Т. Олимов бундан ўзига тегишли ҳулоса чиқариш ўрнига аксинча, берилган огоҳлантириш ва тавсияларга қарамасдан, сайёқ юришни давом эттирди. Бу борада, Т. Олимов энгил ҳаётга ўрганган Диана Камилова билан танишиб қолади ва у билан махсус воситалар билан ҳимояланмаган ҳолда унга касалликни юктиради. Диана Камиловага Т. Олимов ўзида бундай жирканч касаллик борлигини айтмаган. Афсус, энди кеч. Чунки айнан энгил ҳаёт тарзи оқибатида Д.

Камилова ҳам кейинги умрини ушбу инфекция билан ўтказишга мажбур. Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи Т. Олимов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 113-моддаси 4-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли топилиб, кейинги умрининг 3 йил 6 ойини панжара ортида ўтказадиган бўлди. Таъкидлаш муҳимки, Ўзбекистон Республикаси ЖК-нинг 113-моддаси “Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар” туркумига киритилиб, таносил ёки ОИВ касаллиги (ОИТС)ни тарқатганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бараваридан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилганлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Сўнгги йилларда мамлакатимизда таълим тарбия тизимининг сифати ва самарадорлигини ошириш, ёшларда замонавий билим ва кўникмаларни шакллантириш, ёшларни юксак билим маърифат эгалари, жисмоний ва маънавий соғлом инсонлар этиб тарбиялаш бўйича кенг қўламли ислохотлар олиб борилаётган, ёшларга катта ишонч билдираётган ва уларнинг чуқур билим олишлари, етук, комил инсон бўлиб улғайишлари учун барча имкониятлар яратилаётган бир пайтда бу каби мудҳиш воқеаларнинг учраши миллиятимиз шаънига тўғри келмайдиган ҳолатдир.

Шу мақсадда кенг жамоатчилик, хусусан, маҳалла, таълим муассасалари жамғармалар ва ёшлар ташкилотлари имкониятларидан кенг фойдаланиш зарур. Бунда ёшларнинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш, уларнинг юриш-туриши, машғулотлари, қизиқишларини ўрганиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этиш юзасидан тизимли ишлаш талаб қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, шу эзгу мақсад йўлида жамиятимиздаги барча куч ва имкониятларни мувофиқлаштириш лозим.

**Шаҳзод БАХТИЁРОВ,
Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судьяси.**

ЭКОЛОГИЯ И МЫ

В ЧУЖОМ ГЛАЗУ СОЛОМИНУ ВИДЕТЬ, В СВОЁМ – БРЕВНА НЕ ЗАМЕЧАТЬ

Сегодня жители Ташкентской области весьма озабочены проблемами экологии. На улицах районов и городов нередко можно увидеть баннеры, призывающие к бережному отношению к природе, соблюдению чистоты и порядка в махаллях, сортировке бытовых отходов. Повсеместно проводятся массовые кампании по озеленению прилегающих территорий.



В социальных сетях многие любят обсуждать массовую вырубку лесов в Латинской Америке, бьют тревогу о

глобальном потеплении, загрязнении мирового океана и браконьерстве. К сожалению, мало кто всерьёз раздумывает об

опасностях, находящихся прямо перед нашими глазами.

Многие города и районные центры нашего региона в основном располагаются вблизи каналов и рек. В результате источником их загрязнения становятся бытовые отходы: пластиковые бутылки, пакеты, упаковки от продуктов. Несмотря на все усилия государственных органов власти, отнюдь не уменьшается количество стихийных и незаконных мусорных свалок, наносящих ущерб здоровью населения.

Свидетелем подобной картины мне пришлось стать во время недавней командировки в Букинский район. Прямо у остановки «Марказий», расположенной между хокимиятом района и автостанцией протекает небольшой канал. В вечернее и ночное время сюда выносятся бытовые отходы все те, кому не лень. Эти предметы не разлагаются, а переносятся ветром по территории и попадают в воду. Представляющие огромную опасность для жизни окружающих людей, они

медленно губят все живое в канале. В конечном итоге вода попадает на посевные площади, почва пропитывается вредными веществами, токсичные испарения оказывают негативное воздействие на атмосферу, растительный и животный мир. Часть территорий оказывается непригодной для дальнейшего использования в сфере сельского хозяйства, что приводит к уменьшению объемов выращиваемой продукции.

Почему же такие проблемы мало освещаются в районных и областных СМИ? Почему люди не обеспокоены будущим своих детей и внуков? Ведь несанкционированные свалки, как известно, нарушают конституционные права граждан на благоприятную окружающую среду, наносят ущерб экологии.

Ответственность за чистоту прибрежной зоны несут органы местной власти. Поэтому проводить работу с населением и устанавливать емкости для сбора мусора должны они.

Хамидулла УБАЙДУЛЛАЕВ.

2023 – ГОД ЗАБОТЫ О ЧЕЛОВЕКЕ И КАЧЕСТВЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ

Согласно установившейся традиции, в текущем году летний сезон отдыха в детских оздоровительных лагерях страны стартовал 1 июня.

Несколько ДОЛ подготовлены к длительному и ответственному периоду работы, укомплектованы ли они квалифицированными педагогами, руководителями кружков и секций, кулинарами и медицинскими работниками? Могут ли родители быть уверены в том, что отдых детей будет содержательным, комфортным и безопасным?

Эти и другие вопросы находились в центре внимания участников Ташкентского областного регионального семинара, посвященного эффективной организации сезона отдыха и оздоровления детей летом 2023 года.

Инициированное региональной комиссией по вопросам системной организации отдыха и оздоровления детей мероприя-

будет способствовать предотвращению несчастных случаев, пожаров и пищевых отравлений детей некачественными продуктами. При этом многое будет зависеть от профессионализма

главы нашего государства от 18 ноября 2022 года «О дополнительных мерах по системной организации отдыха и дальнейшему совершенствованию работы по оздоровлению детей».

счет средств Фонда содействия оздоровлению детей и восстановлению здоровья населения. Компенсация за одну путевку может быть в размере до 50 процентов ее стоимости.

– ДОЛ «Гулзор» принадлежит Акционерному обществу Алмалыкский горно-металлургический комбинат, – рассказывает его руководитель **Малика Мирахметова**. – В нынешнем сезоне здесь отдохнут до 1600 детей членов трудового коллектива промышленного гиганта страны. Для них открыты секции футбола, волейбола, баскетбола, настольного тенниса, шахмат, шашек и другие. Добавлю, что уже не один год являюсь директором общеобразовательной школы № 17 города Алмалыка. Поэтому заранее готовлю учителей и наставников, которым предстоит проводить занятия в кружках бисероплетения, рисования, компьютерной грамотности. Желающие смогут уединиться в библиотеке, где для них

**ПОДАРИМ ДЕТЯМ
РАДОСТЬ И СЧАСТЬЕ**



тие прошло в детском оздоровительном лагере «Гулзор» Босталыкского района.

В семинаре участвовали представители Ташкентского областного Кенгаша Совета Федерации профсоюзов Узбекистана, сотрудники министерств здравоохранения, по чрезвычайным ситуациям, внутренних дел, дошкольного и школьного образования, молодежной политики и спорта, а также представители областных управлений культуры и туризма, санитарно-эпидемиологического благополучия и общественного здоровья.

–Собравшиеся подробно обсудили степень подготовленно-

сти 19 детских оздоровительных лагерей, осуществляющих деятельность при различных государственных ведомствах и производственных предприятиях региона, – говорит заместитель председателя Ташкентского областного Совета федерации профсоюзов Узбекистана **Лола Холмунинова**. – В стартовавшем сезоне на их базе отдохнут и поправят здоровье до 50 тысяч детей. Мы также рассмотрели итога работы, проделанной в 144 пришкольных оздоровительных лагерях, поставили конкретные задачи перед руководителями на местах, установили сроки для устранения выявленных недостатков. Это, в конечном итоге,

врачей, санитаров, а также добросовестности педагогов, воспитателей, поваров.

Для достижения поставленных целей в школах «Баркамол авлод» проводятся курсы по подготовке педагогов. Во всех ДОЛ налажено круглосуточное дежурство сотрудников правоохранительных органов, противопожарной безопасности.

Участники регионального семинара уделили особое внимание восстановлению дорог в горной местности, где расположены лагеря. Нынешней зимой они пострадали больше всего.

Представители профсоюзов рассказали присутствующим о сути и содержании постановле-

Данный правовой документ предусматривает, что ДОЛ смогут получать компенсационные выплаты для покрытия части расходов на отдых и оздоровление детей членов профсоюзов за

создан богатый фонд из полторы тысячи книг. Это – произведения узбекской и зарубежной литературы, полюбившиеся народные сказки, романы популярных европейских авторов.

В культурно-просветительских мероприятиях планируется участие известных деятелей культуры и искусства, спортсменов, победителей международных конкурсов. Ребята смогут встретиться со своими ровесниками, отличившимися в ходе интеллектуальных игр и республиканских предметных олимпиад.

Сайёра АЛМАТОВА,
начальник отдела по связям с общественностью
Ташкентского областного управления
санитарно-эпидемиологического благополучия
и общественного здоровья.

НЕ ПЕРЕОХЛАЖДАЙТЕСЬ!

КАК ЕСТЬ МОРОЖЕНОЕ В ЖАРУ И НЕ ЗАБОЛЕТЬ?

Употребление мороженого в знойный день приводит к резкому изменению температуры и может стать причиной болезней горла. Об этом напомнила кандидат медицинских наук, врач-гастроэнтеролог Екатерина Кашух.

По ее словам, поедание мороженого при жаркой погоде может повлечь за собой фарингит (воспаление слизистой оболочки глотки) или ларингит – болезнь, при которой воспаляется сли-

зистая оболочка гортани. Врач также предостерегла от слишком быстрого употребления в пищу холодного лакомства. "Чем больше порция мороженого и чем быстрее человек его ест – тем

сильнее переохлаждается ротовая полость. Соответственно, тем выше и риск воспаления горла и миндалин", – сказала **Кашух**. Она призвала есть этот холодный продукт не торопясь. Взяв мороженое из морозильной камеры или купив лакомство в киоске, его лучше около пяти минут подержать при комнатной температуре либо немного согреть в ру-



ках. После того, как продукт будет съеден, можно выпить теплый чай – это поможет избежать резкого охлаждения.

Кашух добавила, что во время употребления холодного лакомства нужно обращать внимание на свои ощущения. Если в горле чувствуется дискомфорт, лучше прекратить поедание мороженого, чтобы не заболеть.

ШИФОКОР ТАВСИЯСИ

ИССИҚДА БОЛАНИ ҚАНДАЙ ОВҚАТЛАНТИРИШ КЕРАК?

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббий ёрдамни ташкиллаштириш Департаментининг Тиббий стандарт ва протоколларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш бўлими бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори Севара Убайдуллаева иссиқ хавода болаларни қандай овқатлантириш ҳақида сўзлаб берди.

Фойдали ва зарарли
қуёш нури

Ўзбекистоннинг геоиктисодий зонасида ёз фасли жуда ҳам иссиқ келади, қуёш нурларини тик боқиши аҳоли саломатлигига турлича таъсир кўрсатади. Баъзан ҳатто қуёшнинг ультрабинафша нурлари остида баъзиларда терини рангини ўзгариши кузатилади, ҳалқимиз “ёзда қуёш нурда териси куйибди” – дея талкин қилишади. Бу ҳолатда, қуёш нури куннинг 1/3да, яъни эрталаб тонг отишидан соат 11:00 га қадар ва кечга яқин соат 17:00 дан кейин кун ботишига қадар вақтда инсон саломатлигига фойдали бўлади. Бу вақтда болаларни ҳам ховлида ёки боғларда сайр қилдириш уларнинг саломатлигига фойдали бўлади”, – дейди мутахассис.

Ошқозон ичак касалликлари
Айнан бу даврда барча аҳолини организмда турли ўзгаришлар кузатилиши сабаб, ошқозон ичак тизимида ҳам шу иссиқ хавога мослашиш жараёни кечади. Бу вақтда ошқозон ичак тизимида ҳам функцияси пасаяди, бу эса ўз ўрнида кийин ҳам бўладиган маҳсулотларни истеъмолини чеклашни талаб қилади. Ошқозон ичак тизимида ейилган маҳсулотларни ҳазм қилиниши пасайишидан ташқари, болаларни олсак улар кўп хол-

ларда қўллар гигиенасига риоя қилолмаган ҳолда мева ва сабзавотларни ювмасдан истеъмоли қилиб қўядилар. Бу ҳолатлар, болаларда ошқозон ичак касалликлари келиб чиқишини ҳам кўпайтиради. “Мазкур ҳолатни мутафаккир табиб Абу Али ибн Сино ёзги мавсумда кўпроқ мева ва сабзавотларни қайнатилган ёки димланган ҳолда истеъмоли қилиниши, шунингдек, кўп миқдорда суюқликларни ичишни тавсия қилганлар”, – дея таъкидлайди мутахассис.

Хона ҳарорати

Янги туғилган чақалоқларни ёзги иссиқ кунларда парваришда, уларни тана ҳарорати ўзгарувчан бўлишини инобатга олиб, хона ҳарорати жуда иссиб кетишини олдини олишлари талаб этилади. Яна шуни таъкидлаш лозимки, кўпгина ота-оналар иссиқ кунда суюқликка талаб ортгани боис, чақалоқлар ҳам сув ичиши керак деб уйлашади. Лекин, ёз вақтида болаларга сув берилмагани мақсадга мувофиқ. Болани она кўкрак сути билан боқишда тез-тез ва болани талабига биноан боқилса, она кўкрак сутининг 70дан-90%гача суюқликни ташкил қилиб болани чанқоғи босилади. Шунингдек, бола она кўкрак сутига мослашган бўлиб, унинг организми яхши қабул қилади.

Ёш боланинг овқатланиши

6 ойдан 1 ёшгача болаларни оила дастурхонига ўргатиш ва болага қўшимча овқат беришни бошлаш зарур, бу ҳолатда ёзги вақтда болани ошқозон ичак тизимида ўзгаришлар келиб чиқиши мумкин. Шу боис, болани қўшимча овқат беришда бир ҳафтада битта мева ёки сабзавотни истеъмоли қилиниши ўргатиш керак ва у қайнатиб пиширилган, бўтқага ўхшаш тарзда эзилган озуқа маҳсулотга ўхшашган бўлиши керак. Шу тайёрланган озуқа биринчи марта 1-2 ош қошиқдан бошлаб берилди ва кун сайин кўпайтириб борилди, ҳафта охирида ярим пиёлага етказилади. Суюқлик сифатида она кўкрак сути сақланиб қолади. Мисол учун: 6 ойдан бошлаб кўпчиликни уйда мавжуд картошкани қайнатиб пишириб, ундан суюқроқ эзилган бўтқа тайёрланади ва биринчи марта 1-2 ош қошиқни секин аста кам-камдан берилди, бу озуқа маҳсулотини кунига 2 марта бериш мақсадга мувофиқдир. Бир ҳафтадан сўнг, сабзи қўшилади ва шу тариха ҳар ҳафта янги сабзавот ёки мева қўшилиб борилди. 1 ёшдан катта болалар оила дастурхонига ўрганган бўлиб, оилада тайёрланган овқат маҳсулотини тановул қиладилар. Улар ҳам катталардек иссиқ кунларда енгил ҳазм бўладиган овқатларни истеъмоли қилганлари мақсадга мувофиқ.

Енгил ҳазм бўладиган маҳсулотларга: қайнатилган ёки димланган турли хилдаги сабзавотлар, дон маҳсулотлари, мевалар ва кўкатлар қиради. Гўшт, тухум, товук, балиқ маҳсулотларини узоқ муддат қайнатиш ёки дим-

лаш тавсия қилинади.

Сутдан тайёрланган сузма, қатик, пишлок ва айронларни ҳам истеъмоли қилса бўлади. Бу ёшдаги болаларга худди катталардек ёғли, ковурилган, аччиқ ва шўр маҳсулотларни, консерваларни чеклаш керак. Шунингдек, ун маҳсулотлари, яъни хамир овқатларини имкон қадар камайтирилгани яхши. Турли хил тузламалар, консервалар, колбаса ва шунга ўхшаш яримфабрикалар, тайёр пишириқлар ва тортларни истеъмолини чеклаш мақсадга мувофиқдир. Бу маҳсулотларни ошқозон ичак тизими ҳазм қилиши қийналиши билан бирга, сувсизланишни кучайтиради бу эса меъёридан ортик суюқлик ичишни келтириб чиқаради. Мисол учун: қайнатма шўрва, товук шўрва, мастава, турли хил қатикли суюқ овқатлар истеъмоли қилиш тавсия этилади. Димланган сабзавотлар, димлама ёки шавла ейиш мумкин.

Суюқликлар тавсияси

Кўп миқдорда ва ортикча, яъни инсон тана вазнига нисбатан суюқлик учун белгиланган миқдордан ортикча суюқлик ичиш оқибатида, кон суюқлашиши кузатилиши мумкин, бу эса

лоҳасликни ва турли хил холсизлик ҳолатларини кучайтиради. Катталарда қон босимини ортиши ёки тушиши ҳам кузатилиши мумкин.

Суюқликдан имкон қадар янги мевалардан

уйда қайнатилган компотлар, кисель ва турли дамламаларни ичиш тавсия қилинади. Овқатдан 1 соат олдин ёки кейин чой ичиш маросимларини ташкил қилиш мумкин, унда қора ёки кўк чойлар, ёки бугунги кунда кўпчиликка маъқул бўлаётган лимон, ялпиз ёки қуритилган мевалар солинган чойлар ичиш маросимларини ўтказиш мумкин.

Шунга алоҳида эътибор бериш керакки, ўртача катталар кунига 2,5-3 литргача суюқлик ичишлари керак бўлса, 2-10 ёшгача болалар 1-1,5 литргача ичишлари, 11-18 ёшдаги болалар 1,5-2 литргача ичишлари тавсия этилади. Ичиладиган суюқлик куннинг эрталабдан икки қисмига тўғри келиб, тушдан сўнг, яъни 16:00-17:00 дан сўнг суюқлик ичишни камайтириш керак. Бу билан тунги вақтда буйрак зўриқишини олдини олган бўламиз.

Достонбек
РАҲМАТУЛЛАЕВ

•ФВВ ОҒОҲЛАНТИРАДИ•

БОЛАЛАРНИ ЁЛҒИЗ ҚОЛДИРМАНГ

Болаларни эътиборсиз қолдириш ҳеч қачон яхши оқибатларга олиб келмайди. Ваҳоланки, жажжи гўдак эсини таниган сари катталарга тақлид қилиб, фавқулодда кутилмаган ҳодисаларни содир этади.

Айниқса, болалар гугурт ёқишга қизиқишади. Кўп ҳолларда ота-оналар фарзандларини ёлғиз қолдиришади. Улар уйдан гугуртни олиб чиқиб, худудларда қуриб ётган шох-шабба, қуруқ ўт, ахлат уюмларини ёқишади. Албатта, бу кўнгилсиз оқибатларга сабаб бўлади. Содир бўлган ёнғинлар эса фуқароларга моддий ва маънавий зарар келтиради. Энг ачинарлиси, инсонларнинг ҳаёти хавф остида қолади. Шу билан бирга ёнғин тузуни инсон саломатлигига ҳам катта таъсир кўрсатади. Аллергия ҳолатларини келтириб чиқаради. Шу ўринда ҳақли савол туғилади? Хўш, бунга ким айбдор? Албатта, фуқароларнинг ўзи. Чунки, ФВВ ходимлари томонидан олиб борилаётган тушунтириш ишларига қарамай, фуқаролар ёнғин хавфсизлиги қондаларига бепарволик, лоқайдлик билан қарашли, бегоналар у ёқда турсин, ҳат-

то ўз фарзандларининг олов билан ўйнашига ҳам эътибор беришмайди.

Хурматли юртдошлар сизлардан илтимос, айтишларда болалар ёзги таътилга чиқишди. Имкон қадар шариқ қараб, ёш болаларни ёлғиз қолдирманг ва уларни гугурт ўйнашларига йўл қўймаг.

Санжархўжа
ОБИДХЎЖАЕВ.
Қорасув қароргоҳи
Давлат Резиденцияси
ЁХТТЭБ ЁН ва ПБ инспектори, капитан.



БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК

Ёз ойлари бошланиши билан кўпчилик чўмилиш хавзаларига ошқолади. Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида ҳам аквапарклар, пляж ва сувда оммавий дам олиш учун мўлжалланган жойлар бор. Албатта, ушбу жойларда ёзги мавсумда аҳоли гавжум бўлади.

Маълумки, мазкур мўлжалланган жойларнинг ўзига хос талаблари мавжуд. Лекин, маҳалла фаоллари ва тегишли органлар билан доимий назоратни йўлга қўйсак-да, афсуски, бахтсиз ҳодисалар учраб туради. Аквапарклар, пляж ва сувда оммавий дам олиш учун мўлжалланган жойлар куйидаги талабларга жавоб бериши керак. Жумладан, чўмилиш жойи, соҳил бўйи худуди ободонлаштирилган, сувнинг чуқурлиги 3 метргача, пляжларда кирғоқдан 50 метргача майдон инсон ҳаёти ва соғлиги учун хавfli нарсалардан тозаланган бўлиши, пляжлардаги чўмилиш жойида ер ости сувлари чиқмаслиги, гирдоблар бўлмаслиги, оқимнинг тезлиги 0,5 м/секунддан ошмаслиги лозим. Чўмилиш жойлари оқова сувлар ва бошқа ифлослангирувчи манбалар чиқариладиган жойлардан камида 500 метр узоқда бўлиши керак. Сув омборлари, қўл, дарё, канал ҳамда бошқа оқадиган ва оқмайдиغان йирик сув ҳавзаларида пляж акваторияси сув юзасининг майдони бир нафар дам олувчи хисобига 5 м² ва оқмайдиغان сув хавзаларида 10 м² бўлиши керак. Пляждаги чўмилиш жойида сузиш масофаси кирғоқдан 50 метргача бўлган жойда қизил ёки тўқ қизил рангдаги белгилар ўрнатилиши шарт. Аквапарклар, пляжлар ҳар кунги чиқиндилардан тозаланиши керак, кумли зона бўлса, бир кунда 3 марта тозаланади. Кийим алмаштириш

жойлари ва душхоналар ҳар кунги дезинфекция қилинади. Қутқарувчилар ягона намунадаги расмий кийим билан таъминланишлари керак. Болаларни фақат 10 кишидан ортик бўлмаган таркибда гуруҳ-гуруҳ бўлиб чўмилишига рухсат берилди. Сузишни билмайдиган болалар алоҳида чўмилидиладар. 10 кишидан иборат ҳар бир гуруҳ хисобига бир нафар қутқарувчи бўлиши керак. Болаларнинг чўмилишидан олдин сув тубини текшириш, гуруҳ чўмилиши учун ажратилган худуд четларини рангли байроқчалардан иборат кирғоқ байроқчалари бўйича йўл-йўриқлар бериш, очик сув хавзаларида қутқарувчи қайиқда бўлиши керак. Чўмилиш пайтида ҳар 10 киши хисобига бир нафар қутқарувчи сувда чўмилаётган болаларнинг ёнида туриши лозим.

Васлиддин ПИРМАМатов,
Яшнобод тумани ФВВ II ва НБ инспектори, катта лейтенант.



Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ISSN 2010-6149.
Электрон манзилми: www.uzssgzt.uz

Бош муҳаррир
Амрилло ИНОЯТОВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда "O'zbekistonda sog'liqni saqlash - Zdravooxranenie Uzbekistana" газетасидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев

Таҳририят манзили: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2-қават. Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41 уй/Тел/факс: (71)233-11-07.

Газета ҳажми
2 босма табоқ.
Формати А3. Офсет усулида чоп этилган.

Адади - 761 дона.
Буюртма рақами Г-635.

Босмаҳонага
топирилиш вақти:
21-00. 3 4 5 6 7
Топирилди 20-00.